

Халқ сўзи

Ўзбекистон
—
Келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz

2006 йил 9 июнь, № 110 (3909)

Жума

Бугун Олий Мажлис Сенатининг олтинчи ялпи мажлиси ўз ишини бошлайди



Мана, иккинчи йилдирки, мамлакатимизда икки палатали парламент тизими амал қилмоқда. Қонун ижодкорлиги жараёнида ўзига муносиб ўрин топаётган юқори палата фаолияти ҳудудлар манфаатини қонунларда ифодалаш борасида такомиллашув йўлидан бораётир. Бугун навбатдаги ялпи мажлисга тўланаётган Олий Мажлис Сенати аъзолари мазкур анжуман арафасида қўмиталар йиғилишларида ифодавий эътишди, тақдим этилаётган ҳуқуқий ҳужжатлар билан танишишди. Асосий эътибор ҳудудий вакиллик палатасининг



аввалги ялпи мажлисида давлатимиз раҳбари нутқида билдирилган танқиддан қандай хулосалар чиқарилганига, маҳаллий кенгашлар депутатлар кор-

пуси билан узвий алоқа ўрнатилиши борасида амалга оширилган ишларга қаратилди.

Темур ҚУРБОНБОЕВ олган суратлар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг бугун очиладиган олтинчи ялпи мажлиси олдин парламентнинг юқори палатасида қизгин тайёргарлик ишлари олиб борилди.

Ана шу тайёргарлик доирасида Сенат қўмиталарида парламент юқори палатаси аъзоларининг бўлажак анжумани кун тартиби лойиҳасига киритилган масалалар кўриб чиқилди, муҳокамага қўйиладиган материаллар пухта ишлаб чиқилди.

Ялпи мажлисда сенаторлар 10 та Қонунни кўриб чиқишлари керак. Шундай қонунлардан бири "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, "Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Уй-жой кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунидир. Киритилаётган қўшимчалар иш билан банд бўлмаган аҳолини ишлаб чиқариш фаолиятига жалб этиш, оила-ларнинг даромадини кўпайтириш, йиртқ саннат корхоналарининг рентабеллигини ошириш, шу жумладан бунга қасаначилик меҳнатидан фойдаланиб эришиш учун ҳуқуқий шароитлар яратиш имконини беради. Ушбу Қонун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 5 январдаги "Йиртқ саннат корхоналари билан қасаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасидаги кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонида мувофиқ тайёрланган.

Сенаторлар "Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини ҳам кўриб чиқадилар. Ушбу Қонун ишлаб чиқишда халқаро тажриба, хусусан Жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти (ЖИМТ)нинг

намунавий қонунлари, Адабиёт ва санъат асарларини муҳофаза қилиш тўғрисидаги Берн конвенцияси (1971 йил), ижрочилар, фонограммаларни тайёрловчилар ва эшиттириш берувчи ташкилотларнинг ҳуқуқларини муҳофаза қилиш тўғрисидаги Рим конвенцияси (1961 йил) қондалари ҳисобга олинган.

Янги қонун Жаҳон савдо ташкилоти (ЖСТ) билан боғлиқ битимларнинг таркибий қисми бўлмиш Интеллектуал мулк ҳуқуқларининг савдо қилиш тўғрисидаги Берн конвенцияси билан боғлиқ талаблари ва стандартларига ҳам мослаштирилган. Бу жуда ҳам муҳим, чунки Ўзбекистон адабиёт ва санъат асарларини муҳофаза қилиш тўғрисидаги Берн конвенциясининг ушумасининг аъзосидир. Янги Қонун асар муаллифларига, ижрочиларга ва фонограмма тайёрловчиларга ҳам шахсий мақсадларда, ҳам омма олдидан ижро этиш ёки прокат вақтида такорлаганлик учун ҳақ тўлаш масалаларини ҳал қилиш имконини беради.

Ҳозирги вақтда турли ташкилий техника, компьютерлар кенг тарқалиб бораётганлиги ва улардан аҳоли, айниқса ёшлар бемалол фойдаланиши мумкинлиги туфайли порнография маҳсулотларини, шунингдек миллий, ирқий, диний адоватни тарғиб қиладиган, ижтимоий ахлоқ учун хавфли бўлган, ёшларнинг маънавий ривожланишига зарар келтирадиган материалларни тайёрлаш ва тарқатиш билан боғлиқ хатти-ҳаракатларнинг ижтимоий хавфи кучайиб бормоқда. Шу муносабат билан ялпи мажлис кун тартиби лойиҳасига киритил-

ган "Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодексларига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини бундай материалларни тайёрлаганлик, тарқатганлик ва сақлаганлик учун жиноий ва маъмурий жавобгарликни кучайтиришга қаратилган. Қонун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин диний мазмундаги материалларни тарқатиш мақсадида Қонунга хилоф равишда тайёрлаганлик, сақлаганлик, Ўзбекистон Республикаси Қонунини бузишга олиб кирганлик учун жиноий жавобгарликни назарда тутадиган янги нормани киритади.

"Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 8, 71-моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини айрим тоифадаги корхоналарни солиққа тортиш масалаларини тартибга солиш, яъни микрофирмалар ва кичик корхоналарга ягона солиқ тўловини тўлашни назарда тутадиган солиққа тортиш тизимига ўтиш ҳуқуқини беради. Бунда ягона солиқ тўловини тўлайдиган микрофирмалар ва кичик корхоналарга ягона солиқ тўлови суммасини бюджетга тўланган қўшилган қиймат солиғи суммаси миқдоридан мустақил равишда камайтириш ҳуқуқи берилади. Айни вақтда камайтирилмаган сумма миқдори бюджетга тўлашни керак бўлган ягона солиқ тўлови бўйича бутун сумманинг 50 фоизидан ошмаслиги керак. "Мудофаа тўғрисида"

ги, "Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервидаги хизмат тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини мамлакатнинг мудофаа қобилиятини таъминлаш, ҳарбий хизматни, шунингдек резервдаги хизматни ўташ масалаларида Ўзбекистон Республикаси Президентини ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ваколатларини чегаралаб қўйишни назарда тутди.

"Ўзбекистон Республикасининг Шаҳарсозлик кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини шаҳарсозликдаги ишларни такомиллаштиришга қаратилган. Қонун шаҳарсозлик фаолиятини молиялаш манбаларини рўйхатини давлат корхоналарини хусусийлаштириш ҳисобига кенгайтириш, мамлакатимизда шаҳарсозликни ривожлантириш учун янги ҳуқуқий имкониятлар яратди.

"Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини лойиҳаларини тайёрлашнинг асосий принципларини, қонунчилик ташаббуси ҳуқуқини амалга ошириш шаклини, қонун лойиҳаларини тайёрлашнинг тартиби, уларнинг мазмунига, қонун лойиҳаларини экспертиза қилиш, Қонунчилик палатасига киритиш, шунингдек киритилган қонун лойиҳаларини қайтариш тартибига қўйиладиган талабларни белгилаб беради. Қонуннинг қабул қилиниши мамлакатда Қонун ижодкорлиги жа-

раёнини такомиллаштиришга ёрдам беради.

Ялпи мажлисда ташқи иқтисодий фаолият шароитларини такомиллаштириш ҳамда Ўзбекистон Республикасида интеллектуал мулкни муҳофаза қилиш мақсадида қабул қилинган "Белгиларни халқаро рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги Мадрид битимини (Мадрид, 1891 йил 14 апрель) денонсация қилиш ҳақида"ги ва "Ўзбекистон Республикасининг Белгиларни халқаро рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги Мадрид битимига доир Баённомага (Мадрид, 1989 йил 27 июнь) ўзилиши ҳақида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунларини кўриб чиқиш режалаштирилмоқда.

Утган даврда Сенат мамлакат Конституцияси ва қонунлари билан ўзининг мулк хуқуқларига берилган ваколатларини ҳам, парламент иккала палатасининг ихтиёрига биргаликда берилган ваколатларини ҳам тўла-тўқис амалга оширди. Чунки, унинг қўмиталари мажлисларида Бош прокурор, Марказий банк бошқаруви раиси, ҳисоб палатаси, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раисининг ҳисоботлари кўриб чиқилди ва Сенатнинг ялпи мажлисида муҳокама қилиш учун тайёрланди.

Сенатнинг навбатдаги ялпи мажлиси арафасида унинг қўмиталари томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг бешинчи ва олтинчи ялпи мажлислари оралиғидаги даврда олиб борилган ишлар кўриб чиқилди. Сенат Кенгаши, қўмиталарининг ушбу масалаларга бағишланган мажлисларида Сенат бу даврда қонунчилик, назорат фаолиятини амалга ошириш ҳамда фуқароларнинг муносабатларини кўриб чиқиш соҳасида сезиларли ишларни

амалга оширганлиги қайд этилди. Қонунларни кўриб чиқиш ва қабул қилиш, биргаликда мажлислар, тадбирлар ўтказиш масалалари юзасидан Олий Мажлис Сенати билан Қонунчилик палатасининг тегишли қўмиталари ўртасидаги ўзаро алоқалар яхшиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентини И.Каримовнинг 2005 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2006 йилда иқтисодий ислохотларни энг қурлаштиришни эҳтимол муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 10 февралда бўлиб ўтган йиғилишидаги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2006 йил 24 февралда ўтказилган бешинчи ялпи мажлисидаги "Мамлакатимиз тараққиётининг қонуний асосларини мустақамлаш — фаолиятимиз мезони бўлиши даркор" маърузаларининг асосий қондаларини амалга ошириш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ҳаракат Дастури ишлаб чиқилди ва исчилик билан амалга оширилмоқда.

Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳрида сенаторларнинг сайловчилар билан учрашувлари мунтазам ўтказиб турилди. Бу учрашувларда сенаторлар халқ депутатлари Кенгашларининг, ишлаб чиқариш жамоалари, ўқитувчилар, ўқувчи ёшлар, маданият арбоблари, тадбиркорлар фаолияти билан танишишлар, ички ва ташқи сиёсат, шунингдек, мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар юзасидан маърузалар қилдилар ҳамда суҳбатлар ўтказдилар.

(Давоми 2-бетда).

Брюсселда «Ўзбекистон: ислохотлар ва демократлаштириш модели» мавзусига бағишланган халқаро конференция бўлиб ўтди. У Европа халқаро муносабатлар институти томонидан мамлакатимизнинг Бельгиядаги элчихонаси ҳамкорлигида ташкил этилди. Анжуман доирасида Президент И. А. Каримовнинг «Ўзбек халқи ҳеч қачон ҳеч кимга қарам бўлмайди» китобининг тақдими ўтказилди.

БЕЛЬГИЯЛИК МУТАХАССИСЛАР РИВОЖЛАНИШНИНГ ЎЗБЕК МОДЕЛИ ҲАҚИДА

Учрашувда Европарламент, Еврокомиссия ҳамда Европа Иттифоқи, НАТОга аъзо мамлакатлар ваколатхоналари вакиллари, Брюсселдаги илмий-тадқиқот ва таҳлил марказлари ходимлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳуқуқий Стратегик ва минтақаларо тадқиқотлар институти экспертлари иштирок этди.

Европа халқаро муносабатлар институти президенти И. Семинаторе конференцияни очар экан, турли сиёсий маданиятларнинг ўзаро ҳамнафаслиги бугунги кунда глобал хавфсизликни таъминлашнинг омилларидан бири эканини қайд этди. Унинг фикрича, Фарб кадрларининг барчаси ҳам универсал эмас ва шу боис ҳамма жамиятлар фарблантириш жараёнини бошидан кечиришга мажбур эмас. Ҳозирги пайтда ўзининг тарихий тажрибаси ва маданий кадрларига ҳисобга олинган, ўз таъриқий йўлига эга бўлган Фарб ва Шарқ биргаликда ривожланиш имкониятлари синовини бошдан кечиришда. Жамиятни модернизациялаш жараёнининг, шунингдек, Фарб демократия тизимини бир мамлакатдан бошқасига автоматик тарзда ўтказиб бўлмайдди. Тажриба шуни кўрсатмоқдаки, аксарият ҳолларда демократия жараёнини тўлқинда ҳокимият тепасига фундамента ва экстремист кучлар келиб, демократия таъминотидаги зид сиёсат ўтказишига сабаб бўлмоқда. Шу муносабат билан Марказий Осиёдаги хавфсизликнинг нозик ҳолати ҳақида сўзлар экан, И. Семинаторе Ўзбекистон бу минтақадаги барқарорликнинг гарови эканини таъкидлади.

Европа халқаро муносабатлар институти етакчи илмий ходими Ж. Липперт ўз чизишида мазкур конференциянинг ўтказилиши Ўзбекистоннинг Марказий Осиё мамлакатлари ўртасидаги ўлкан геосиёсий аҳамиятдан далолат беришини қайд этди. Айни пайтда Ўзбекистоннинг ноб ҳужурфий жойлашуви унга ҳам қўшни давлатларнинг, ҳам минтақада ўз манфаатларига эга ташқи кучларнинг транспорт-коммуникация, савдо ва бошқа стратегияларида алоҳида роль ўйнашига имкон беради.

Брюссель овоз университетининг фахрий профессори Ж. Бланкофф ўз чизишида давлатимиз раҳбарининг «Ўзбек халқи ҳеч қачон ҳеч кимга қарам бўлмайди» китобига асосий эътиборни қаратди. Ўзбекистон томонидан танланган жамиятни демократлаштириш модели, унинг муҳим халқаро масалалар бўйича оқилона ва вақтинча ёрдамчи мамлакатнинг минтақа ва хориждаги ролини кучайтиради.

Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги Стратегик ва

минтақаларо тадқиқотлар институти директори Б. Худойбердиев, мамлакатимизнинг Бельгиядаги элчиси В. Норов ўз чизишларида терроризм, диний экстремизм ва тийванд моддалар ноқонуний трансмиллий савдосига қарши курашдаги Ўзбекистон нутқини назарининг концептуал қирраларига атрафлича тўхталар экан, турли давлатлар ва халқаро тузилмалар билан икки томонлама ва кўп томонлама ҳамкорлик доирасида ўшбу таҳдид ва хавфхатарларга қарши курашнинг аниқ чора-тадбирларидан мисоллар келтиришди. Шу муносабат билан уларнинг ахборотларида Ўзбекистонда ислохотларни амалга оширишда, ривожланган фуқаролик жамияти ва ижтимоий йўналишларнинг бозор иқтисодиётига эга дунёвий, демократик жамият қуришда давлатнинг ўрни кўрсатилишига асосий урғу берилди. Бунда республикамиз мустақилликнинг илк даврларида тўқнаш келган ҳамда янги жамиятни қуриш ва ривожлантиришнинг таъминоти талоқи эканини муаммоларга эътибор қаратилди.

Президент И. А. Каримовнинг «Ўзбек халқи ҳеч қачон ҳеч кимга қарам бўлмайди» китоби конференция қатнашчиларида катта қизиқиш уйғотди. Европа дипломатия академияси профессори А. Бехишти қайд этганидек, ушбу китоб орқали Ўзбекистонда амалга оширилаётган демократик ислохотлар жараёнини, мамлакат раҳбариятининг мустақил давлати ривожлантириш модели юзасидан қарашларини қузатиш мумкин.

Мудофаа масалалари бўйича таҳлилчи Р. Хернернинг айтишича, Европа сиёсий доиралари ўларнинг ўзбек ҳаммасларини фикрига диққат қилмоғи, улар билан ахборот ва тажриба алмашиши, биргаликда Марказий Осиё ва Афғонистонда узоқ муҳлатли хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш йўллари излаши лозим.

Буюк британиялик мустақил сиёсий маслаҳатчи Б. Гил Ўзбекистондаги демократик ва ижтимоий-иқтисодий ислохотлар жараёнини таҳлил қилишда, ислохотларнинг иқтисодий асосини таъминлаш билан узоқ муҳлатли хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш бўйича алоҳида эътиборни қаратди.

Жамшид МУТАЛОВ,
«Жаҳон» АА муҳбири,
Брюссель.

Жаҳон Банку туҳфаси

Эллиқалта тумани бугдойзорларида 9 та янги, замонавий комбайнлар галла ўримиغا киришди. Германияда ишлаб чиқарилган бу ажойиб ўрним техникаларини Халқаро Тикланиш ва тараққиёт банки харид қилиб, эллиқалталик 9 та фермерга 10 йил муҳдатга лизинг асосида туҳфа қилди. Хар бирининг баҳоси 85 минг АҚШ доллари турадиган мазкур комбайн учун фермерлар дастлабки 3 йил давомида фақат лизинг фонзини тўлайдилар, холос.

Ўз муҳбиримиз.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Сенаторларнинг жойларда турли аҳоли қатламлари билан учрашувлари ўтказилган ҳафтада ёшларни ишга қўйиш, янги иш ўринлари яратиш, ёшларнинг дам олишини ташкил этиш, аҳолининг электр энергияси, табиий газ ва ичимлик сувага бўлган эҳтиёжини қондириш ва бошқа масалалар юзасидан қатор таклиф ва тавсиялар берилди. Бу таклиф ва тавсиялар кейинчалик жойлардаги давлат ҳокимияти органлари иштирокатида ҳал қилинди.

2006 йилнинг биринчи чорагида Сенат аъзолари томонидан 1013 та ўрашув ўтказилди, сенаторлар 2284 нафар фуқароларни қабул қилди. Фуқаролар ўз шикоят ва аризаларида кўтарган

масалаларни ҳал қилиш учун сенаторлар томонидан 280 та турли таъкилот, муассаса ва корхонага сўровлар тайёрлаб жўнатилди.

Сенаторлар ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг долзарб масалалари юзасидан радио ва телевидениеда 284 марта чиқдилар. Улар республика ҳамда вилоят газеталарида 147 та мақола эълон қилди.

Хисобот даврида Сенат, сенаторларнинг асосий куч-гайрати минтақаларни ривожлантириш масалаларини ҳал қилишга қаратилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати кўмиталарининг жойларда ташкил этилган мажлисларида айрим минтақавий муаммоларни муҳокама қилиш Сенатнинг иш фаолиятига жорий этилди. Бу даврда

кўмиталарнинг жами 5 та сайёр мажлиси ўтказилди.

Назорат соҳасидаги фаолият режасида мубофиқ Сенат кўмиталари томонидан қўнун ҳужжатлари, конвенциялар ва миллий дастурлар ижросини назорат қилиш бўйича олтинчи масала ўриб чиқилди. Бу ишнинг якунаси оммавий ахборот воситаларида ёритиб борилди, аниқланган камчиликларни бартараф этишга доир тавсияларнинг баҳарлиши нозорат остига олинди.

Қўнунчилик, назорат ва бошқа фаолият йўналишларини такомиллаштириш мақсадида Сенат кўмиталари томонидан туркум илмий-амалий конференциялар, семинарлар ва давра суҳбатлари ўтказилди. Бу тадбирлар иқтисодий ва иж-

тимоий-сиёсий ислохотларни янада чуқурлаштириш, суд ислохотини такомиллаштириш, бутун одил судлов тизимини демократлаштириш масалалари, ташқи сийosat соҳасидаги устувор йўналишларга ва бошқа масалаларга бағишланди.

Тўртта илмий-амалий конференция, тўртта семинар, тўққизта давра суҳбати ташкил этилиб, шуларнинг тўрттаси жойларга бориб, у ерда ишлайётган сенаторлар, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашилари доимий комиссияларининг раислари иштирокатида ўтказилди.

Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва улар маслаҳатчиларининг ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 105-моддасида бел-

гиланган ваколат муддати 2006 йил май-июнь ойларида тугаши муносабати билан Сенат Кенгашиланинг қарори қабул қилиниб, 2006 йил май-июнь ойларида фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови ўтказилиши эълон қилинди.

Сенат томонидан махсус тузилган комиссия аъзолари, сенаторлар халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашилари депутатлари билан биргаликда ўз сайлов қўнунларида сайлов тadbирларини ташкил этишда фаол қатнашмоқдалар.

Ўзбекистон Республикаси ташқи сийosatининг устувор йўналишлари доирасида ҳам икки томонлама, ҳам кўп томонлама парламентлараро алоқа-

ларни ривожлантириш давом этмоқда. Утган даврда Сенатга Россия Федерал Мажлиси Кенгаши делегацияси, Малайзия парламентининг ва бошқа мамлакатларнинг делегациялари ташриф буюрди.

Сенатнинг олтинчи ялпи мажлисида қабул қилинган қўнунлар, ҳужжатлар мамлакатимизда амалга ошириладиган ижтимоий-сиёсий ислохотларни янада чуқурлаштиришда муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Юқорида кўрсатиб ўтилган масалалар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашиланинг мажлисида кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Матбуот хизмати.

Фуқаролар йиғинларига сайловлар



«Намуна»нинг намунали отаси

Маҳалла оқсоқоли маҳалла отасидай гап. Уларнинг халқ орасидан сайланиши ҳам элнинг қорига ярайдиган инсонларни танлашга имкон беради.

Неъматжон ота Минаваров Андижон тумани Бўтақора қишлоқ фуқаролар йиғини «Намуна» маҳалласи оқсоқолига бу йил бешинчи марта таъинланди.

Отанинг маориф соҳасидаги 42 йиллик меҳнат тажрибаси «Намуна» маҳалласини обод қилганга айланганда жуда ақшоқдир. Маҳаллада «Отахонов чойхонаси», «Ёшлар маркази» барпо этилди. Бир қанча касаначилар иш билан таъминланди. Болаларнинг спорт билан шугулланишлари имкон яратилган. Ободонлаштириш, кўчаларни яратиш ва ҳаёт уюштиришда ҳам ҳамжамиятлик бор. Бу ерда истиқомат қилаётган 1815 нафар фуқаро бир-бирлари билан бирдам ва тотувликда ўрнатилган даражада. Бу ишларнинг бошида Неъматжон Минаваров бошқош.

Маҳалла оқсоқоли ҳаёт тажрибасига эга, билими ва халқпарвар инсон тисмоли бўлиши керак. Неъматжон ота айнан шу ҳислатларнинг соҳибидир деган фикрни маҳалладошлари кўп таъкидлашади.

СУРАТДА: Неъматжон ота Минаваров.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

Мамлакатимизда бунёдкорлик ишларининг кўлами тобора кенгаймоқда. Юртимизда кўлаб гўзал бинолар, санат корхоналари, таълим муассасалари, спорт иншоотлари, кенг ва равоён йўللар, кўприклар ишга туширилди. Бундай иншоотларни кўлаб келтириш имконини Албатта, бунёдкорлик соҳасида қилган кенг қўламли ишлар ўз-ўзидан бўлаётгани йўқ. Унинг замирида Президентимиз олиб бораётган оқилона сийosat ва қўнунчилик базаси муҳасамидир. Хусусан, қурилиш соҳасини тартибга солиш ва ривожлантиришда 2002 йилда амалга киритилган Шаҳарсозлик кодекси ҳамда Президентимизнинг 2003 йил 5 майдаги «Капитал қурилишда иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштиришнинг асосий

йўналишлари тўғрисида»ги Фармони катта аҳамият касб этди.

Табиийки, бунёдкорлик ишларида ҳозирги замон талабларини ҳам инобатда олиш талаб қилинади. Бу эса, ўз навбатида, қўнун ҳужжатларига ўзгартишлар киритишни тақозо этмоқда. Бугун ўз ишини бошлайдиган Олий Мажлис Сенатининг олтинчи ялпи мажлисида «Ўзбекистон Республикасининг Шаҳарсозлик кодекси»га ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қўнунини кўриб чиқиш режалаштирилган. Сенатнинг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари кўмитаси раиси Б. ИМИНОВАдан мазкур қўнунга киритилаётган ўзгартишлар ва уларнинг аҳамияти тўғрисида сўзлаб беришни сўрадик.

тиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қўнунда амалдаги Шаҳарсозлик кодексининг Давлат экспертизаси бош бошқармаси ҳамда Давлат архитектура-қурилиш назорати бош бошқармасининг ваколатлари белгиланган 24-ва 25-моддаларини чиқариб ташлаш кўзда тутилмоқда. Бу моддалар чиқариб ташланиши сабабли, ушбу ваколатлар Шаҳарсозлик кодексининг «Шаҳарсозлик фаолияти соҳасидаги махсус вако-

латлар» қисмига киритилиши керак. Қўнунда амалдаги Шаҳарсозлик кодексининг Давлат экспертизаси бош бошқармаси ҳамда Давлат архитектура-қурилиш назорати бош бошқармасининг ваколатлари белгиланган 24-ва 25-моддаларини чиқариб ташлаш кўзда тутилмоқда. Бу моддалар чиқариб ташланиши сабабли, ушбу ваколатлар Шаҳарсозлик кодексининг «Шаҳарсозлик фаолияти соҳасидаги махсус вако-

Муносиблар сайланмоқда

Кармана туманида фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчиларини сайлаш жараёни қизгин давом этмоқда.

Ҳозиргача 15 та маҳалла ва 1 та фуқаролар йиғинида бу сийosatий тадбир қўнунини руҳда ўтди. Айниқса, «Маликработ» ҚФЙга қарашли «Сардоба» маҳалла фуқаролар йиғинида сайлов жараёни қизгин кечди. Сайловга бўлган даврда маҳаллага етакчилик қилиб келган Э. Сайфуллаевга ҳам Эулфия номи мактаб директори Салим Жониевга ҳам вакиллар орасидан тарафдорлар бор эди. Бироқ олдин оқсоқол сифатида ишлаб нафақага чиққан, ўз фаолияти даврида кўнунинг юрагидан ҳов олган Р.Холтов энг кўп овоз олиб, сайловда ютиб чиқди.

Шунингдек, тумanning «Варқ» маҳалла фуқаролар йиғинида ҳам сайлов жараёни фаоллик, ишчанлик руҳида ўтди. Бу тадбирда туман ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Н. Аҳмедова шундай деди: — Сайланганга 6 ойча бўлган маҳалла оқсоқоли Ҳамид Очиллов ўзининг фидойилиги, ташкилотчилик қилишига эга эканлиги билан эл эътиборини қозонган экан. Бу сайловда жонқурлик ўз мевасини берди. Ийғилган вакиллар уни бир овоздан йиғин раиси этиб сайладилар.

С. УМАРОВА, Новий вилоят.

ЮРТ ОБОДАЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ЗАМИНИ

— Ушбу қўнун Юртбошимизнинг 2005 йил 30 августдаги «Шаҳарлар, шаҳарчалар ва қишлоқ аҳоли пунктларининг бош режаларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш жараёнларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорининг 9-банди ижроси доирасида ишлаб чиқилди. — дейди Бахтиёр Мирзақонович. — Мазкур кодексга ҳудудларнинг бош режаларини ишлаб чиқиш ва амалга таъкилот этиш мақсадида қатор ўзгартишлар киритиш кўзда тутилган.

Хусусан, кодекснинг «Шаҳарсозлик фаолиятининг молиявий таъминоти» назарда тутилган 57-моддасига мувофиқ шаҳарсозлик фаолиятини давлат бюджети, бюртмачилар ҳамда жалб қилинган маблағлар ҳисобидан молиялаштириш имконини қўлайлаштириш бўйича қўнунда ўзгартишлар киритилмоқда.

Бундан ташқари, соҳада амалга оширилган маъмурий ислохотлар таркибиде Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 2 декабрдаги «Ўзбекистон

Республикаси архитектура ва қурилиш кўмитаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорининг 1- ва 2-иловаси билан республика Давлат архитектура ва қурилиш кўмитасининг ташкилий тузилмаси ва кўмита марказий аппаратининг тузилмаси тасдиқланган. Унга мувофиқ илгари Давлат архитектура ва қурилиш кўмитаси тизимига киритилган бўлиб, мустақил ҳужжат юртуви субъектлар бўлган Давлат экспертизаси бош бошқармаси ҳамда Давлат архитектура-қурилиш назорати бош бошқармаси тугатилди. Уларнинг ўрнига «Давлат архитектура-қурилиш кўмитаси марказий аппарати тузилмасида Шаҳарсозлик ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш бошқармаси ва Лойиҳалаштириш ҳамда қурилиш-монтаж ишлари сифатида ривож этилиши устидан давлат назорати бош бош-

қармаси ташкил қилинди. Тугатилган бошқармаларнинг барча ваколатлари Давлат архитектура ва қурилиш кўмитасига ўтказилди.

Давлат экспертизаси бош бошқармаси ва Давлат архитектура-қурилиш назорати бош бошқармасига бевосита бўйсунган Қоракалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар давлат экспертизаси бошқармалари ва Давлат архитектура-қурилиш назорати инспекциялари эндиликда худудий давлат экспертизаси бошқармалари ва худудий давлат архитектура-қурилиш инспекцияси деб номланди. Улар ўз ҳуқуқлари, вазифаларини тўлалигида сўзлаб қолди. Ушбу органлар бевосита Давлат архитектура ва қурилиш кўмитаси таърифуфига ўтказилди.

Шу билан бирга, «Ўзбекистон Республикасининг Шаҳарсозлик кодекси»га ўзгар-

латли давлат органи» назарда тутилган 21-моддасига, яъни Давлат архитектура ва қурилиш кўмитаси ваколатлари қўшимча равишда қўйилмоқда. Агар ушбу ваколатлар Шаҳарсозлик кодексининг 21-моддасига киритилишдан буғунчалик чиқариб ташланса, Давлат архитектура ва қурилиш кўмитаси юридик ворисининг ҳуқуқ ва манфатлари маълум миқдорда чегараланиб қолади. Бу ҳолатда эса қурилиш қатнашчилари томонидан қўлаб ҳуқуқбузарликлар содир этилишига сабаб бўлиши мумкин.

Мазкур қўнун қабул қилингандан сўнг, Давлат экспертизаси бош бошқармаси ва Давлат архитектура-қурилиш назорати бош бошқармаси ваколатлари Давлат архитектура ва қурилиш кўмитасига берилганлиги сабабли, Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил

12 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш кўмитаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори билан тасдиқланган Низомга тегишли ўзгартишлар киритилиш мақсадида мувофиқдор. Масалан, ушбу қарорга мувофиқ, Шаҳарсозлик кодексининг 21-модда учинчи қисмининг иккинчи ва саккинчи хатбосилари «Архитектура ва қурилиш бўйича Қоракалпоғистон Республикасининг Давлат кўмитаси» сўзлари «Қоракалпоғистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш кўмитаси» сўзлари билан алмаштирилган.

Таъкидлаш лозимки, ушбу қўнун Олий Мажлис Қўнунчилик палатаси жорий йилнинг 22 февралда қабул қилиб, Сенатга тақдим этган эди. Қўри қарорининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари кўмитаси мазкур қўнунини кўриб чиқди. Бу жараёнда кўмита томонидан ишчи гуруҳи тузилиб, унга Давлат архитектура ва қурилиш кўмитаси, Адлия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Президентини хузуридаги Амлалдаги қўнун ҳужжатлари мониторинг институти ва бошқа идоралар вакиллари жалб қилинди. Қўнун ҳар томонлама кўриб чиқилган, кўмита «Ўзбекистон Республикасининг Шаҳарсозлик кодекси»га ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қўнунини Сенатнинг олтинчи ялпи мажлиси кўнун тартибига киритишни таклиф қилиш ҳақида хулосага келди.

«Халқ сўзи» мухбири Салим ДОНИЕРОВ ёзиб олди.

2006 йил — Ҳомийлар ва шифокорлар йили



Фарзанд саломатлиги — эл бойлиги

Боласининг соғлом, дурқун ўлғайиши ҳар бир онанинг эзу тилиги. Унинг учун юрт хизматига шай, ҳар томонлама етук фарзандни вояга етказиш — катта бахт. Оналарга ана шу бахтни муҳфа этишида ўз ҳиссини қўшаётган шифокорлар болажонларнинг ҳалоскорли ҳисобланади.

— Болаларнинг юзида қувончнинг кўраганимда, шарфли касбимдан фохрланиб кетаман, — дейди Тошкент шаҳар болалар клиник шифохонаси чақалоклари даволаш бўлим бошлиғи Васила Азимова. — Бу ерда асосан чилла даврида невро-

логик, бронхо-пневмония ва шамоллаш билан оғриган гўдаклар шифо топишади. Шунинг айтиши керакки, турли юккуми касалликлар болаларда ажас олмаслиги учун ҳомили пайтида онани соғломлаштиришга алоҳида эътибор лозим.

Ҳар бири ўттиз ўринга мўлжалланган 18 та бўлим фаолият юрифтаётган мазкур шифохона болажонларнинг саломатлигига тиркак бўлаётди.

СУРАТДА: шифокор Васила Азимова болаларни назоратдан ўтказишти.

Рашид ГАЛИЕВ олган сурат.

Мамлакатимиз иқтисодий тараққиётининг муҳим ўрни эгаллайди. Чунки давлат газасига валютаининг асосий қисми айнан мазкур санатта хомашёсини етиштириш ва уни сотиш орқали келиб тушади. Таъкидлаш жоизки, кейинги йилларда бу соҳани ривожлантиришга ҳуқуқимиз катта эътибор берилмоқда. Бугун қайси бир ер эгаси билан суҳбатлашсангиз, шубҳасиз, деҳқончиликда олдинлари ҳеч қузатилмаган бир ижобий ҳолатдан сўз очади: уруғлик ё ўғит дейсизми, ёнлиги-моллаш махсус-лотлари ёки эҳтиёт қисмлар дейсизми, қўйинг-чи, экинни парваришлаш учун нимаки зарур бўлса, барчаси шундоққина дала бошига етказиб берилаётганини айтди. Бу сўз-ҳаракатларнинг самараси ўлароқ, юртимизда етиштирилаётган «оқ олтин»нинг нафақат салмоғи, балки сифати ҳам олтин бормоқда.

Бозор сабоқлари

мига оғоҳномалар киритилди. Қўрилган тадбирлар натижасида юқоридаги камчиликлар бартараф этилиб, шартномалар тўлиқ экин майдонларига мос равишда тузилиши таъминланди.

Тузилган шартномаларни ўрганиш жараёнида, шунингдек, 102 та ҳолатда етиштириладиган ҳосил ва ер майдони миқдориде номувофиқликлар мавжудли-

вилотиде 46 та, Сурхондарёда 18 та, Қашқадарёда 13 та ва Тошкент вилоятиде 15 та ҳолатда номувофиқликларга йўл қўйилганлиги аниқланди. Бу рақамлар оз эмас, албатта.

Бундан ташқари, 31 та ҳолатда тайёрловчи корхоналар томонидан шартномалар имзоланмагани, хатто муҳр билан тасдиқланмагани, айримларида

Асфальтга битилган дастхат

Болалар байрамлари катталарга қараганда бошқачароқ, ўзгача меҳр билан кутиб оладилар. Озгина эътибор қўнунларини тоғдай кўтарди. Айниқса, жисмонан заиф болалар шундай дамба дуненинг барча ташвишларини унутдилар.

Бундай манзарани Жиззахда бўлиб ўтган «Мафтункор ранглар жилоси» кўрик-танлови вилоят босқичи давомида қузатиш мумкин бўлди. Вилотда яшовчи 50 нафардан зийед ноғирун болалар қозғозга ва асфальтга расм чизиб бўйича ўз маҳоратларини намойиш этидилар.

Бахмал туманидан келган Фаррух Сулаймоновнинг «Мус-таклилик», галлароллик Хусниддин Нурматовнинг «Қишлоқ», жисзахлик Жаҳонгир Иброҳимовнинг «Табиати эъзозланг» деб номланган асарлари танлов ҳайати ва томошабинларнинг эътирофига сазовор бўлди. Ҳолилар ташкилотчилар ва ҳомийларнинг қимматбахшо совғалари билан тақдирландилар. Тадбир сўнигида иштирокчилар вилоят кўрик-театри томошаларидан баҳраманд бўлишти.

Ўз мухбиримиз.

ШАРТНОМА ШУНЧАКИ ТУЗИЛСА

у ҳуқуқий мақомини йўқотади, томонлар манфаатига путур еткази

Шу ўринда биргина ўтган йил натижаларини ёдга олишимиз ўзи қийин: пахтачиликда илк бор октябрь ойининг ярмидаёқ шартнома режаси уддаланди. Ҳосил ёғин-сочини қўнунларга гача териб олинди. Мухими, хомашёнинг асосий қисми юқори навларга қабул қилинди. Демак, даромад ҳам шунга яраша юқори бўлди.

Президентимизнинг «2006 йилда пахта етиштиришининг прогноз ҳажмлари ва ўзгани навлар бўйича жойлаштириш тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ, жорий йилда республикамиз бўйича 1 миллион 391 минг 400 гектар ерда гўзани парваришлаш режалаштирилган. Ана шу майдондан жами 3600 минг тонна хомашё йиғиштириб олиниши кўзда тутилган. Ушбу Қарордан келиб чиқиб, Қоракалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси ва вилоят ҳокимлари ҳам қарорлар қабул қилишди. 2006 йил пахта ҳосили учун қиш-

лок ҳўжалиги корхоналари билан хомашёни қабул қилиб олувчилар ўртасида қарийб 83584 та контрактда қилинган шартномаси имзоланди. Ҳўш, ана шу ҳўжатлар жойларда тўғри ва тўлиқ тузилганими? Адлия вазирлигининг худудий идоралари ходимлари томонидан олиб борилган ўрганишлар натижасида бу борада айрим камчиликларга йўл қўйилганлиги ҳам аниқланди.

Хусусан, тақдим этилган туман ҳокимлари қарорлари иловаси қайта ҳисоблаб чиқилганда, улларда ҳуқумат ва вилоят ҳокимлари ҳўжатларида қабул қилинган қўнун майдонларига нисбатан кам майдонда чигит этилиши белгилангани маълум бўлди. Бундай салбий ҳолатлар, масалан, Сирдарёда 1323, Сурхондарёда 1148, Тошкент вилоятда эса 1142 гектарни ташкил этиди. Шу бос Қарор ижросини таъминлаш ва йўл қўйилган номувофиқликларни бартараф этиш юзасидан туман ҳокимлари но-

мига оғоҳномалар киритилди. Қўрилган тадбирлар натижасида юқоридаги камчиликлар бартараф этилиб, шартномалар тўлиқ экин майдонларига мос равишда тузилиши таъминланди.

Тузилган шартномаларни ўрганиш жараёнида, шунингдек, 102 та ҳолатда етиштириладиган ҳосил ва ер майдони миқдориде номувофиқликлар мавжудли-

мига оғоҳномалар киритилди. Қўрилган тадбирлар натижасида юқоридаги камчиликлар бартараф этилиб, шартномалар тўлиқ экин майдонларига мос равишда тузилиши таъминланди.

Тузилган шартномаларни ўрганиш жараёнида, шунингдек, 102 та ҳолатда етиштириладиган ҳосил ва ер майдони миқдориде номувофиқликлар мавжудли-

Ботир НАМАЗОВ, Адлия вазирлиги бош маслаҳатчиси. Шавкат ОРТИҚОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ЖАҲОН

24 соат ичида

Вазият бироз юмшади

Европа Иттифокнинг ташқи сийсат ва хавф-сизлик масалалари бўйича комиссари Хавьер Солано Эроннинг ядро дастурини тўхтатиш юзасидан таклифлар тўпламини Техронга олиб келганини аввал хабар қилган эдик.



Айни пайтда Эрон таъриф таклифларни кўриб чикмоқда. Таъкидлаш жоизки, ЕИ, АҚШ, Россия ва Хитой томонидан ишлаб чиқилган таклифлар жамланмаси расмий Эрон ва халқро ҳамжа-

мият ўртасидаги танглики бироз юмшади. Дипломатик музокараларнинг яна жонланиши халқро биржаларда нефть нархининг тушишига сабаб бўлди, дея хабар беради «Би-Би-Си».

Америка биржаларида унинг нархи 1,68 долларга арзонлашди, яъни 70,82 долларни ташкил қилди. Лондон нефть биржасида эса нарх 69,19 долларгача пасайди.

Айбловни рад этди

Европанинг 14 та давлати ноқонуний ҳибсга олинган ва терроризмда гумон қилинган махбусларни четга чиқариб кетишда АҚШнинг Марказий разведка бошқармаси билан ҳамкорлик қилганликда айбланмоқда.

Европа Кенгаши ушбу давлатлар ҳақидаги ҳисоботни эълон қилди. Швейцария парламенти депутати Дик Марти этти ой мобайнида мазкур маълумотни ўрганиб чиқди. Унинг хулосаларига кўра, Испания, Туркия, Германия, Кипр, Буюк Британия, Португалия, Ирландия ва Греция махфий самолётларнинг ўз ҳудудларида тўхтаб ўтишига рухсат берган. Ушбу айбловни барча Европа давлатлари кескин рад этди.

Бундан олдинроқ АҚШ Давлат котиби Кондолиза Райс махбусларни махфий равишда кўчириш ишлари қонуний асосда амалга оширилганини таъкидлаганди.


Референдум ўтказилиши мумкин



Фаластин ҳукумати янги ташкил этилган куруллой кучларни Газа ҳудудидаги аҳоли пунктларидан олиб чиқиб кетишга розилик билдирди. ХАМАСнинг мустақил равишда куруллой тузилма ташкил этиши муҳторият етакчиси Махмуд Аббос тарафдорлари томонидан кескин танқид қилинмоқда.

Айтиб ўтиш жоизки, ХАМАС ва ФАТХ ўртасидаги кескин зиддият сақланиб турибди. Махмуд Аббос ўзи томонидан Яқин Шарқда вазиятни ўнлаш юзасидан ишлаб чиқилган режани ҳукумат аъзолари қўллаб-қувватламаса, ушбу масала юзасидан референдум ўтказилиши мўлжалламоқда.

ЖСтга оз қолди



Шу йил охиригача Россия Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиб кириши мумкин. «Интерфакс» ахборот агентлигининг тарқатган хабарида айтилишича, сешанба куни Женевада шу масала бўйича Россия — Австралия музокаралари якунланган ва келишув битими имзоланган.

Энди расмий Москва АҚШ билан худди шундай ҳужжат имзолаши керак. Оқ уй Россиядан мамлакат бозорларида кенг сотилаётган гайриқонуний дисклар савдосини чеклашни ҳамда хориж банкларининг бемалол ишлашини таъминлашни талаб қилмоқда.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Анжуман

Суд экспертизаси ва ислоҳот

Адлия вазирлиги ва республика суд экспертиза марказида «Ўзбекистонда суд экспертизасининг ривожланиши истиқболлари» мавзусида бўлиб ўтган икки кунлик идоралараро илмий-амалий конференция мазкур соҳани ислоҳ қилиш ва тақомиллаштиришга бағишланди.

Вазирлик ҳузуринда суд экспертиза хизмати ташкил этилганлигининг 55 йиллигига бағишланган ушбу анжуманда ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари, судьялар, турли вазирлик ва ташкилотлар тизимида хизмат қиладиган суд экспертлари, ҳуқуқшунос олимлар иштирок этди.

Ҳозирги пайтда жиноятларни самарали тергов қилиш, суд ишларини ҳолисона кўришни таъминлашда фан ва техника ютуқларидан кенг фойдаланиш мақсада мувофиқ, Шу боис ҳам суд экспертиза хизмати мутахассисларининг ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ва судларга бераётган ёрдами бекиёсдир.

Тадбирда асосий эътибор Ўзбекистонда суд экспертиза соҳасида эришилган ютуқлар, унинг бугунги аҳоли, одил судловни амалга оширишда эксперт хулосаларининг ўрнига қаратилди. Шунингдек, суд экспертизасининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш ва янада тақомиллаштириш, янги турдаги тадқиқотларни жорий қилиш, экспертларнинг бевосита жойларда ўтказишни ташкил этиш, бу борада халқро ҳамкорликни кенгайтириш билан боғлиқ масалалар муҳокама мавзуси бўлди.

Ҳайрат АБДУЛЛАЕВ.



O'ZSANOATQURILISHBANK

«СЮРПРИЗ» ЮТУҚЛИ ОМОНАТИ

2006 йил 6 июнда Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг «Сюрприз» ютуқли омонати бўйича 9-ютуқ тиражининг

РАСМИЙ ЖАДВАЛИ

Ютуқлар куйидаги ҳисобварақ рақамларига чиқди:

№ т/р	Ютуқ микдори % да	Ҳисоб-варақ рақами	№ т/р	Ютуқ микдори % да	Ҳисоб-варақ рақами	№ т/р	Ютуқ микдори % да	Ҳисоб-варақ рақами	№ т/р	Ютуқ микдори % да	Ҳисоб-варақ рақами
1	25	8	26	25	255	51	100	500	76	25	756
2	50	17	27	25	269	52	25	512	77	100	760
3	50	24	28	50	274	53	200	525	78	25	779
4	25	33	29	25	288	54	25	537	79	50	781
5	25	40	30	25	294	55	25	549	80	25	790
6	100	51	31	25	302	56	25	556	81	50	801
7	100	65	32	50	314	57	50	562	82	25	811
8	100	77	33	25	324	58	25	578	83	25	820
9	25	81	34	25	335	59	25	587	84	25	834
10	25	92	35	25	342	60	50	596	85	25	840
11	25	101	36	25	351	61	25	602	86	25	852
12	200	112	37	25	361	62	25	611	87	25	868
13	25	121	38	50	377	63	25	626	88	25	875
14	25	131	39	100	387	64	25	639	89	50	885
15	25	147	40	50	390	65	25	649	90	100	895
16	25	159	41	100	400	66	100	652	91	100	909
17	50	163	42	25	413	67	25	660	92	25	918
18	25	172	43	25	422	68	50	679	93	25	927
19	25	189	44	200	430	69	200	688	94	50	935
20	25	195	45	50	441	70	50	691	95	25	947
21	25	208	46	25	453	71	50	700	96	50	953
22	25	216	47	25	469	72	200	715	97	50	960
23	25	226	48	25	478	73	25	727	98	25	975
24	25	233	49	25	485	74	25	739	99	25	981
25	25	240	50	25	494	75	25	748	100	50	998

ИЗОҲ:

Ютуқлар ушбу жадвалда фақатгина биринчи мингталик ютуқли ҳисоблар бўйича кўрсатилган. Агарда ютуқли омонат бўйича ҳисобварақлар сони мингдан ошиб бўлса, унда кейинги мингталик ҳисобварақларида ҳам худди шу сонлар ютуқли ҳисобланади, худди биринчи мингталикдагидек.

Мисол учун:

ВС-В, ВС-100В, ВС-200В, ВС-300В ва ҳ. к.

Ушбу жадвал расмий ҳужжат ҳисобланиб, «Ўзсаноатқурилишбанк» филиаллари унинг ёрдамида ютуқлар микдорини ҳисоблаб чиқаради ва белгиланган тартибда ютуқ эгаларига тўлайди.

Ҳайъат раиси, «Ўзсаноатқурилишбанк» бошқаруви раисининг ўринбосари

Н. П. Козлова

Масъул котиб, хусусий мижозлар билан иш олиб бориш бошқармаси бошлиғи

Н. Г. Эргашходжаев

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

технология ускуналарини харид қилиш ва савдони молиялаш учун Корей Эксимбанкнинг кредит йўналиши доирасида республика корхона ва ташкилотларини хорижий валютада молиялаштиради.

- Корейда ишлаб чиқарилган товарлар/ускуналарнинг импорт контрактдаги улуши — 100%.
- Кредит муддати — 180 кун.

Қўшимча маълумот учун қуйидагиларга мурожаат қилинг:

Кредитлаш бош бошқармаси тел.: 134-16-02, факс: 135-19-20 ёки Ўзмиллийбанкнинг исталган бўлим/филиали.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

технология ускуналарини харид қилиш ва савдони молиялаш учун Малайзия Экспорт-импорт банкнинг кредит йўналиши доирасида республика корхона ва ташкилотларини хорижий валютада молиялаштиради.

- Минимал сумма — 100 минг АҚШ доллари.
- Малайзияда ишлаб чиқарилган товарлар/ускуналарнинг импорт контрактдаги улуши — камида 30%.
- Кредит муддати:
 - хомашё, материаллар ва бошқа товарлар харидлари бўйича савдони молиялаштириш учун — 1,5 йилгача, шу жумладан 6 ойлик имтиёзли давр;
 - инвестиция лойиҳаларини ва ускуналар харидини молиялаш учун — 5 йилгача, шу жумладан 2 йиллик имтиёзли давр;
 - ўз маблағлари иштироки — лойиҳа қийматининг камида 25%.

Қўшимча маълумот учун қуйидагиларга мурожаат қилинг:

Лойиҳаларни молиялаш маркази, тел.: 138-56-68, факс: 135-56-10; Кредитлаш бош бошқармаси, тел.: 134-16-02, факс: 135-19-20 ёки Ўзмиллийбанкнинг исталган бўлим/филиали.



РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ ва «KIMOSHDI SAVDOLARI AGENTLIGI»

ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

2006 йил 13, 20, 27 июль ва 3 август кунлари соат 11.00да Республика Кўчмас мулк биржаси биносида, объектнинг бошланғич баҳоси қадам-бақадам ошиши тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига Тошкент ш. Уста Ширин к., 116-уйда жойлашган Тошкент «Компрессор» заводи ОАЖга қарашли қуйидаги мулклар ва автотранспорт воситалари қўйилади:

1. 3-цех маъмурий биносининг 4-қавати асбоб-ускуналари билан. Бошланғич баҳоси — 50 856 100 сўм.
2. Мулкий мажмуа (4-цех бош биноси, дўкон, абразив материаллар омбори) асбоб-ускуналари билан. Бошланғич баҳоси — 252 374 776 сўм.
3. Курилиш участкасининг бостирмаси ер майдони ва асбоб-ускуналари билан. Бошланғич баҳоси — 10 432 773 сўм.
4. Темир йўл асбоб-ускуналари билан. Бошланғич баҳоси — 109 047 700 сўм.
5. «КАВЗ-3270» русумли автобус, 1989 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 AG 598. Бошланғич баҳоси — 2 800 000 сўм.
6. «ЗИЛ-130» русумли бензин ташийдиган автомашина, 1975 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 AG 596. Бошланғич баҳоси — 2 154 000 сўм.
7. «ЗИЛ-130 БПМ» русумли автомашина, 1983 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 AG 603. Бошланғич баҳоси — 2 568 000 сўм.
8. «ЛАЗ-695» русумли автобус, 1987 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 AG 686. Бошланғич баҳоси — 3 400 000 сўм.

Аукцион савдолари бўйича хариддорлардан аризаларни қабул қилиш ва расмийлаштириш савдо бошланишидан 1 соат олдин тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш учун хариддорлар объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи микдоридида закатлат пули тўлаши шарт.

Закатлат пули «KIMOSHDI SAVDOLARI AGENTLIGI»нинг Ўзбекистон Республикаси АТИБ «Ипотекабанк»нинг Тошкент ш., С. Рахимов бўлимидаги ҳисоб рақамига: 20208000004265383002, КОД-00901, СТИР 204563716 ўтказилади.

Қўшимча маълумотлар учун Республика Кўчмас мулк биржаси ва «Kimoshti savdolari agentligi»га мурожаат қилиш мумкин. Манзилимиз: Тошкент шаҳри, С.Рахимов тумани, Қора-Камиш 2/4 даҳаси, М. Урозбоев к., 1-«А» уй, Республика Кўчмас мулк биржаси биноси, 2-қават, 207-хона. Маълумот учун телефон: 399-80-23. Факс: 399-88-05.

Шунингдек, 2006 йил 20, 27 июнь кунлари соат 11.00да Республика Кўчмас мулк биржаси Жиззах вилояти филиали биносида Давлат мулки қўмитаси Жиззах вилояти бошқармаси билан биргаликда объект бошланғич баҳоси қадам-бақадам ошиши тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига Жиззах вилояти монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бошқармасига қарашли

Зомин туманидаги «Урикли» дам олиш маскани мол-мулкларни қўйилади. Бошланғич баҳоси — 74 607 660 сўм.

Объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи микдоридида закатлат пули Республика Кўчмас мулк биржаси Жиззах вилояти филиалининг «Ипотекабанк» Сангзор филиалидаги 2020800000422503001 ҳисоб рақамига, МФО 00834, СТИР 205683313 тўланади.

Қўшимча маълумотлар учун Республика Кўчмас мулк биржаси Жиззах вилояти филиалига мурожаат этиш мумкин. Манзилимиз: Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов шоҳқўчаси, 39-уй. Маълумот учун телефонлар: (372) 222-35-77, 222-34-16.

СПЕЦИАЛИЗИРОВАННОЕ ПРОИЗВОДСТВЕННОЕ ПРЕДПРИЯТИЕ (СПП) VINLAD

Vinlad
Сделаем жизнь спокойнее!

для объекта любого масштаба, выбор, тестирование, поставка оборудования для разнообразных решений безопасности.

Системы охраны периметров
Навигационные системы


Охрана трубопроводов
Безопасность перевозок

Контроль местонахождения
транспортных средств
Контроль расхода топлива

ISO 9001: 2000
Лицензия МВД РО «Охрана» № 103,
лицензия МВД УПО № 29/2-2-97,
лицензия КМ №000390 (проектирование).

ул. Дружбы народов, 44.
Тел.: 367-97-14/15. Факс 367-00-68.
E-mail: vinlad@sarkor.uz
Web-site: www.vinlad.com

Тақдимот



Қарши шаҳрининг 2700 йиллигига бағишланган ушбу тўпламлар "Маънавият" нашриётида chop этилган бўлиб, уларда узок ўтмиш, тарихий босқичлар, кўпийиллик маданият ва бугунги ҳаёт акс этган.

Суратларда — воҳа ҳаёти

Пойтахтимиздаги Ўзбекистон тарихи давлат музейида "Нахшаб жавоҳирлари" ва "Қашқадарё манзаралари" номли суратлар тўпламини тақдимоти бўлиб ўтди.

топилган буюмлар коллекцияси асосида тайёрланган. Миллоддан аввалги VIII-VII асрларда ташкил толган Ерқурғон харобалари шулар жумласидандир. Ҳозирги Қарши шаҳри яқинида жойлашган бу қадимий маскан икки қаватли ҳалқасимон деворлари, ҳумдор саройи ва ибодатхоналари билан ҳамон мутахассислар эътиборини тортди келмоқда.



муаси" каби суратларда воҳанинг бугунги ҳаёти кўз олдигизда намоён бўлади. Шунингдек, аҳолининг азалий қадриятлари, маданияти ва турмуш анъаналари рангин давҳаларда тасвирланган.

ФУҚАРОЛАРНИНГ БАНКЛАРДАГИ ОМОНАТЛАРИНИ КАФОЛАТЛАШ ФОНДИ ХАБАРИ

«ЎздЭУ банк» ёпиқ акциядорлик жамиятининг номи «ЎзҚДБ банк» ёпиқ акциядорлик жамиятига ўзгарганлиги ҳамда «Тадбиркор» акциядорлик тижорат банки негизда «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банки ташкил этилганлиги муносабати билан «ЎздЭУ банк» ва «Тадбиркорбанк»лар фонд билан ёзма битим тузган банклар реестридан чиқарилди.

Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди реестри ҳисобида турувчи банклар рўйхати

- 1. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки.
2. Давлат-акциядорлик тижорат «Асака» банки.
3. Ўзбекистон акциядорлик тижорат саноат-қурилиш банки.
4. Акциядорлик-тижорат «Ипотека-банк».
5. Акциядорлик тижорат «Пахта банк».
6. Акциядорлик тижорат «Галлабанк».
7. Акциядорлик тижорат «Турон» банки.
8. Акциядорлик тижорат банки «Микрокредитбанк».
9. Савдо ва тижоратта кўмаклашувчи акциядорлик-тижорат «Савдогар» банки.
10. Акциядорлик-тижорат «Алоқабанк».
11. Акциядорлик инновация тижорат «Ипак йўли» банки.
12. Акциядорлик-тижорат «Ҳамкорбанк».
13. Акциядорлик-тижорат «Капиталбанк».
14. Хусусий акциядорлик биржа банки «Трастбанк».
15. Хусусий ёпиқ акциядорлик тижорат «Парвинабанк».
16. Хусусий очик акциядорлик-тижорат «Алп Жамол банк».
17. Хусусий очик акциядорлик-тижорат инвестиция «Туркистон» банки.
18. Хусусий ёпиқ акциядорлик-тижорат «Даврбанк».
19. Хусусий очик акциядорлик-тижорат «Уктамбанк».
20. Хусусий ёпиқ акциядорлик-тижорат «Самарқанд» банки.
21. Хусусий очик акциядорлик-тижорат «Универсалбанк».
22. Хусусий очик акциядорлик-тижорат «Равнақ-банк».
23. Хусусий очик акциядорлик-тижорат «Кредит-Стандарт» банки.
24. «ЎзҚДБ банк» ёпиқ акциядорлик жамияти.
25. Ўзбек-турк қўшма банки «УТ-банк».
26. «АБН АМРО банк Ўзбекистон МБ, ҲХ».
27. Эрон «Содерот» банкининг Ўзбекистон Республикаси Тошкент шаҳридаги шўъба банки.

Ушбу банклардаги аҳолининг омонатлари фонд томонидан қонунчиликка мувофиқ кафолатланган.

Тўрт йил кутилган бир ой



Мана, миллионлаб футбол мухлислари интиқиб кутган кунлар етиб келди. Бугун Тошкент вақти билан соат 21.00 да Германиянинг Мюнхен шаҳрида жаҳон чемпионатининг биринчи ўйини ўтказилади.

ФОЛИБГА 300 МИНГ ЕВРО

Германия футбол иттифоқи (DFB) мамлакат тарма жамоаси фоллибники кўлга киритса, ҳар бир ўйинчиға алоҳида мукофот берилишини маълум қилди.

12,5 КИЛОМЕТРЛИК ШАРФ

ЖЧ-2006 ўйинлари олдидан Германияда узунлиги 12 минг 500 метрлик шарф тикилди. Унда сайёра бири-

ТАБИАТНИНГ КУТИЛМАГАН «СОВҒА»СИ

Германияда шу кунларда одатдагидан бироз совуқ об-ҳаво кузатишмоқда. Бу эса сайёранинг жанубий

Сизнингча, ким чемпион бўлади?

спорт ишлари вазирлиги Германия — Бразилия 1:2. Равшан Шодиев («Ўзбекистон овози») Украина — Англия 3:1. Комил Жумаев («Спорт» телерадиоканали) Германия — Бразилия 1:2. Ойбек Юнусов («Спорт» ва «Ўзбекистон футбол») Бразилия — Англия 3:1.

Эркин Холбобо («Ўзбекистон овози») Англия — Бразилия 1:2. Элдор Мустафоев («Спорт» телерадиоканали) Бразилия — Аргентина 2:0. Шавакат Ортиқов («Халқ сўзи») Англия — Бразилия 2:1. Ҳасан Тошқужаев («Қишлоқ ҳаёти») Германия — Бразилия 1:2. Шерали Нишонов («Маърифат») Чехия — Франция 1:0.

ЙУҚОЛГАН ЧИПТАЛАР ТОПИЛДИ

Франция футбол федерацияси яқинда йўқолиб қолган бир неча юзта чипта топилганини маълум қилди. 5 июнь кунин Германияға олиб кетилаётган Франция тарма жамоасининг гуруҳдаги ўйинлари учун мўлжалланган 552 та, шунингдек, плей-офф баҳсларининг 355 та чиптаси йўқолганди.

БЕМАЛОЛ ШОВКИН СОЛАВЕРИНГ!

Германия ҳукумати маҳсус қарор қабул қилиб, ишқибозларға Жаҳон чемпионати мусобақалари пайтида жамоат жойларида шовкин солишға рўхсат берди.

Эслаиб ўтамиз, кимнинг тахмини тўғри чиқса, тахририятнинг эсадики совғаси билан тақдирланади.

олатнинг 64 та учрашувидан 18 таси иш пайтига тўғри келганлиги боис, ходимларға футбол мусобақаларини иш жойида томоша қилишға ҳам рўхсат берилди.

Завдулла ЖОНИБЕКОВ, Ботиржон ГОҒУРОВ тайёрлади.

Миллий ҳамда чет эл валютасидаги барча банк хизматлари Сизнинг муваффақиятингиз учун! «ПАХТАБАНК» ФАРОВОНЛИГИНИНГ КАПИТИДИ!

Ҳамма рақсга тушди «Жиззах» ашула ва рақс ансамбли жамоаси шаҳардаги 29-«Меҳрибонлик уйи» тарбияланувчилари билан учради.

DELTA VIBEX UZBEK EXHIBITION COMPANY ЗАЩИТА И СПАСЕНИЕ 2006 МЕЖДУНАРОДНАЯ ЦЕНТРАЛЬНОАЗИАТСКАЯ ВЫСТАВКА

Газ угуриши истеъдодчилари ва газ сотувчи ташқиотлар аиққатига! «Крокус Газ Сервис» ҚҚ (Чкалов номли ТАИЧБ ДАБ) Россиянинг «Сигнал» компаниялар гуруҳининг Ўзбекистон ҳудудидаги расмий вакили бўлиб, электрон блокли (БК) мувофиқлаштирадиган турбинали саноат газ ўлчагичларини (СТГ) таклиф этади.

Бирлашган Араб Амирликларининг Тошкентдаги бош консулхонаси Манзилимиз: 700084, Ўзбекистон, Тошкент ш., Юнусобод тумани, Амир Темур к., 107-Б уй, Халқаро ҳамкорлик маркази.

ОФИЦИАЛЬНАЯ ПОДДЕРЖКА Государственное предприятие «UZMAKHSUSIMPEX» 26-28 сентября 2006 года Тел: (99897) 330-48-00. Факс (99871) 144-16-87. E-mail: delta@uzpak.uz

Халқ сўзи Народное слово МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир ўринбосари Ш. ЖАББОРОВ Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатта олинган. Буюртма Г — 857. 27344 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

«Сароватконтехназорат» Давлат инспекцияси жамоаси кўмир, кон-руда ва норула саноати назорати бўйича инспекция бошлиғи Илхом Холматовга падари бузруквори МИРЗА отанинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардик билдиради.

Манзилимиз: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов. Навбатчи муҳаррир — Б. Эгамқулов. Навбатчи — А. Самалов. Мусавҳах — М. Ёкубова.